

# NAZORAT-AUDIT

## AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570  
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

**«Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2018 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**  
*Акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига*

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот**  
**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.**

Ўзбекистон Республикаси. 100015. Ташкент шаҳри, Миробод туман, Госпиталь даҳаси 11/2. телефон: +998 95 144 74 55 Факс: +998 71 150 23 01. email: [ltd\\_nazorat-audit@mail.ru](mailto: ltd_nazorat-audit@mail.ru), web: [www.nazorat.uz](http://www.nazorat.uz).

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 545, 2007 йил 11 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириуви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серияси АФ, № 00067, 2008 йил 28 июл куни берилган.

Ҳисоб рақами: 20208000604007713001, «DAVR-BANK» ХАТБ, Чилонзор филиали, МФО-01046, СТИР: 202884570, ОКЕД: 69202.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Б.Н.

**Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот**  
**«Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти**

Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўли.

Индекс: 180803

Телефон: +998 97 383 97 00

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави 2018 йил 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Қашқадарё вилоят бошқармаси Косон туман Давлат хизматлари маркази томонидан 99704 сон билан қайта рўйхатга олинган.

Ҳ/ рақами 20208000300388995001, «Агробанк» Косон туман филиали, МФО(банк коди) 00162.

СТИР: 200692037

ОКЕД: 13101

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти раҳбари, аудитор Назаров Баҳодир Нематович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган, № 05207 сонли “Аудитор малака сертификати”га эга, аудиторлик ташкилоти билан «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ўртасида 2019 йил 15 январ куни тузилган 70/17-19 сонли шартномага асосан «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган “Бухгалтерия баланси” – № 1 шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – № 2 шаклларида иборат 31.12.2018 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

#### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

#### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

#### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект- «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори/Аудитор:



Хулоса тақдим этилган сана: 20 апрель 2019 йил

Б.Н.Назаров